МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ИЖОДИДА МЕТАФОРАНИНГ ЎРНИ

Салимжон ҒАНИЕВ
ўқитувчи
Жанубий Қозоғистон давлат
педагогика университети
Чимкент, Қозоғистон

Аннотация

Мазкур мақолада ўзбек шеъриятидаги кўчимларнинг лисоний табиати, хусусан, метафоранинг бадиий-эстетик ва семантик моҳияти, унинг дискурсив ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари замонавий талқинда Минҳожиддин Мирзо шеърлари мисолида тадқиқ қилинди.

Таянч сўзлар. тасбеҳ, метафорик ифода, чечак, кўнгил, қизғалдоқ, соғинч, поэтик олам, лисоний восита, дуо, садоқат, настарин.

РОЛЬ МЕТАФОРЫ В ТВОРЧЕСТВЕ МИНХОДЖИДДИНА МИРЗО

Салимжон ГАНИЕВ
преподаватель
Южно-Казахстанского
государственный педагогический университет
Шымкент, Казахстан

Аннотация

В данной статье рассматривается языковая природа кочевников в узбекской поэзии, в частности, художественно-эстетическая и семантическая сущность метафоры, ее дискурсивные и лингвопоэтические особенности в современной интерпретации поэзии Минхожиддина Мирзо.

Ключевые слова. четки, метафорическое выражение, цветок, сердце, тюльпан, ностальгия, поэтический мир, языковая среда, дуэт, преданность, настарин.

Шеърий нутқ бадииятининг лингвистик хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотларда ижодкор оламининг бадиий-эстетик кўлами, лисоний воситаларнинг ифода имкониятлари ва ўқувчига эстетик таъсири, индивидуалликни таъминловчи поэтик воситалар, шакл ва мазмун диалектикаси каби масалалар қамраб олинади.

Замонавий тилшунослик шундай бир янги даврга ўтдики, тил ҳодисаларини антропоцентрик тамойиллар асосида лисон ва тафаккурга қаратилган лингвокогнитив, лингвопрагматик, лингвокультурологик, психолингвистик табиатини тадқиқ қилишга йўналтирилмоқда. Жаҳон тилшунослигида тадқиқотчиларни энг кўп қизиқтирган масалалардан бири,

бу – метафорадир. Тилнинг ифода имкониятларини бойитувчи “метафорология” [5] ҳам алоҳида соҳа сифатида янгича талқинларда тадқиқотчилар эътиборини жалб қилаётгани бежиз эмас [11].

Метафора “нутққа образлилик, эмоция бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилиши” [10;236] дир. Бинобарин, тил бойлиги нафақат сўзлар, иборалар билан, балки, сўзларнинг лексик ва кўчма маънолари билан ҳам ўлчанади. Шу нуқтаи назардан, “Метафора сўзнинг лексик маънолари асосида лексик характердаги янги кўчма маъно ҳосил бўлишидир” [7;23].

Метафора. Метафора нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчиш тури бўлиб, лирик қаҳрамоннинг воқеликка муносабатини образли ифодалашга хизмат қилади. Лингвопоэтика доирасидаги ишларда энг кенг қўлланадиган услубий воситалардан бири сифатида метафорага кўп эътибор қаратилади. Хусусан, шеъриятда образлиликни юзага чиқаришда, тасвирнинг аниқ, ишонарли ва ёркин тасаввур уйғотишида метафоранинг ўрни беқиёсдир. Минҳожиддин Мирзо ўз шеърларида лирик кайфиятни қабариқ ҳолда ифодалаш, бадиий-эстетик маъноларни юзага чиқаришда метафоралардан унумли фойдаланади.

Бадиий нутқ, хусусан, шеърий асарлар метафорик маъноларнинг янги-янги семантик қирраларини юзага чиқарувчи майдон саналади [8] Зеро, “Поэтик метафора идрок этиш қийин ва одат тусига кирмаган образли ифодалар асосида, одатда, яширин ўхшатиш сифатида вужудга келиб, поэтик асарда фикрни аниқ, воқеа-ҳодисаларни қисқа жумлаларда ифодалашга ёрдам беради” [8].

Г.К.Лихтенберг афоризмларида метафоранинг ўзи ҳам образли қилиб тавсифланган: "Эски сўзга мурожаат қилинганда, у, кўпинча, онгда бош маъноси томонидан қазилган канал бўйлаб югуради, метафора эса ўзи учун янги канал очади ва баъзан уни “ёриб ҳам юборади” [4;122].

Россиялик тилшунос олима В.К.Харченко метафоранинг 15 та функциясини аниқлар экан, унинг жанрлар ва маросимлар билан

алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, “Тилнинг тараққиёти муносабати билан сўзнинг маъно қирралари кенгаймоқда, икки маъноли, уч - тўрт маъноли сўзлар кўпаймоқда” [9;3].

Б.Умуркулов поэтик метафораларнинг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ қилар экан, *умумпоэтик ва индивидуал метафорала*рга ажратади. “Индивидуал метафора, айниқса, поэзия жанри учун муҳим воситалардан бири бўлиб, поэтик фикрни олдин ҳеч ифодаланмаган янги формада ифодалаш усулидир. Шу жиҳатдан индивидуал метафора поэтик фикрнинг таъсирчанлигини кучайтиради” [8;63].

Оппоқ-оппоқ орзуларимга

Қиё боқмай кулган ***чечагим***.

Сендан айро тушгандан буён

Юлдузларга айтгум эртагим...

Чечак. Табиий равишда ўсадиган гулли ўсимлик; гул [14;477]. А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да “Чечак сўзи эскирган, асосан, бадиий услубда қўлланади”, дейилади. Аслида, чечак соф туркий сўз бўлиб, форс-тожик тилидан ўзлашган гул сўзи билан синоним ҳосил қилган. Кейинчалик гул сўзи ҳам поэтик жиҳатдан, ҳам ясалиш асоси сифатида маҳсулдор бўлганлиги сабабли кенг қўллана бошлаган. Бироқ, *чечак* сўзи ҳам семантик жиҳатдан *“дала гули”, “нафис”, “нозик”, “жозибали”* каби ўзига хос нозик маъно семаларига эга. Шоир Минҳожиддин Мирзо томонидан ҳам айнан ана шу эмоционал маъно қирраларини назарда тутган ҳолда ёшликдаги беғубор, нафис туйғулар тимсоли сифатидаги ёрга нисбатан *чечагим* тарзида мурожаат этилгани шеър поэтикасини кучайтириб, китобхонга эстетик завқ беришга хизмат қилган.

“Садоқат” шеърида шоир оққушларни тасбеҳ шодасига ўхшатади. Олисларга учиб бораётган оққушлардан бири ногоҳ қулаб тушади:

Билмадим, ҳорибми йиқилди бир қуш,

Тасбеҳ шодасидан *узилди ногоҳ.*

Заминга қулади оппоқ қуш беҳуш,

Барчаси қайрилиб бўлдилар огоҳ.

Лекин бечора қушнинг шериклари йўлда давом этадилар ва бу ҳол лирик қаҳрамон юрагига ништар санчади: уларни инсонларга менгзар экан, оқибатсизликдан ўртанади. Бу ўринда оққушлар карвони ***тасбеҳ шодаси****га* ўхшатилган ва тўғридан-тўғри ана шу эталон номи билан аталиши метафорани юзага келтирган.

Одатда, лингвопоэтик таҳлилда айрим ташбеҳ ва ибораларнинг микроконтекст (жумла, нари борса, бир банд ёки бир абзац)даги поэтик хусусиятлари таҳлил қилинади. Лекин, XXI аср ўзбек адабиёти бадиият жиҳатидан шу қадар илгарилаб кетдики, насрда ҳам, назмда ҳам бундай қисмларга парчалаган ҳолатда таҳлил қилиш ўринсиз бўлган “чийратма” асарлар яратила бошлади. Бу жиҳатдан Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романи, Назар Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси каби ўнлаб полотно асарлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Минҳожиддин Мирзонинг “Кўнгил соғинчи” шеърида ҳам ана шу ҳолат кузатилди. Метафорик ифодалар шеърнинг охирги сатригача заргарона занжир ҳосил қилган.

Кўзларингда қуёш*ни кўриб,*

Эриганди муз қалбим *бирдан.*

Бошим узра ***ўриклар*** *гуллаб,*

Нур олганди дилдаги сирдан.

Настаринлар шивирлаб *майин,*

Ифорларга кўмгач оламни,

Ҳайрат ила қўлга олгандим

Қизғалдоқлар унган қаламни...

Қанча йиллар ўтди, фасллар,

Қайтмади ҳеч у сирли онлар.

Тушларимда мени қуршар гоҳ

Хушбўй сочлар – садарайҳонлар.

Қор бағрида очилмас лола,

Муз қўйнида гулламас дарахт.

Энди қалбим сенга ҳавола,

Баҳорларим олиб кетган бахт...

Шеърий мисралардаги *“кўзларингда қуёш”, “эриганди муз қалбим”, “ўрикларнинг дилдаги сирдан нур олиши”, “настаринларнинг майин шивирлаши”* (жонли метафора), *“қизғалдоқлар унган қалам”,* “*хушбўй сочлар – садарайҳонлар”, “баҳорларим(ни) олиб кетган бахт”* каби **окказионал метафорик ташбеҳлар** лирик қаҳрамоннинг соғинч тўла армонларини баралла “куйлай олган”.

Шоирнинг “1937” сарлавҳали шеърда аллюзия воситасида мазмунан кучли ижтимоий метафорик матн шаклланган.

1937

Дарахтларга осилган мурда –

Чайқалади заъфарон барглар.

Ичиқора бир тўп қарғалар

Эрта-ю кеч қишни дараклар.

Тўлиб кетар замин мурдага,

Юролмайди одамлар ҳайиқиб.

Тоқат қила олмай азага,

Кета бошлар турналар қайтиб.

Аллюзия (лот. allusio - ишора, ҳазил) - барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий *ёки* адабий фактга ишора килишга асосланган стилистик усул. Моҳиятан Шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланган *талмеҳ* (қ.) санъатига яқин келади. Фарқли жиҳати шуки, *талмеҳда* кўпроқ машҳур тарихий ва бадиий фактларга ишора қилинса, аллюзияда ижодкор ўз замонасидаги сиёсий, маиший ёки бадиий фактларга ишора килиши ҳам мумкин. Яъни аллюзияда ишора объектининг доираси кенгроқ [12;28].

Юқоридаги шеърда баён қилинган воқеалар – XX аср бошидаги машъум қатағонлар қанчадан-қанча инсонларнинг ёстиғини қуритганлиги тарихдан барчага маълум. *Дарахтларнинг сарғайган барглари – осилган мурдаларга*, *қарғалар – қатағонга хизмат қилган хоинларга* ўхшатиляпти, *турналарнинг бошқа маконларга учиб кетишига эса юртда кезган азалар сабабчидек* гўё. Шу тариқа, узоқ йиллардан буён авлодлар қалбини изтиробга солиб келаётган “қатағон” даҳшатлари ижтимоий руҳдаги кичик ҳажмли шеърда метафорик ифодалар орқали ихчам ва таъсирчан шаклда ифодаланган.

М.Миртожиев, М.Йўлдошев, М.Қосимова, Т.Бутунбоева каби олимлар *жонлантириш* усулини ҳам метафоранинг бир тури сифатида таҳлил қиладилар.

Минҳожиддин Мирзонинг ***“Ҳаёли соғинчлар”*** шеъри элимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхонимга бағишланади. Сарлавҳанинг ўзиёқ шеърхоннинг эътиборини тортади, бинобарин, *синестетик метафора* орқали “ғайритабиий” бирикма ҳосил қилинган. *Ҳаёли* сифати аслида инсонга нисбатан қўлланади, шоир уни соғинч туйғусига боғлаб синестетик метафора ҳосил қилган.

Синестетик метафораларда бир сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунча бошқа сезги органи билан идрок этиладиган нарса-тушунчага ўхшатилади, яқинлаштирилади ва шу асосда кўчма маъно юзага келади [2;49].

Б.М.Галеев бундай метафораларнинг лисоний табиатига асосланиб “ёввойи метафора” деб атайди. “Маълумки, метафора нафақат қисқартирилган қиёслаш ва балки қисқартирилган қарама-қаршиликдир. Қарама-қарши белгилар бир-биридан қанчалик узоқроқ бўлса, тилшуносларнинг таъкидлашича, уларнинг ўзаро боғланишида "метафорик ажабланиш" ҳам шунчалик ёрқинроқ бўлади” [1].

Гуллар дуо қилар *ҳар саҳар*
Садоқатнинг фариштасига.

Муҳаббат ҳам аста бош эгар,

Қуллуқ дея бу бекасига.

Дуо [*арабча* - илтижо, чақириш, даъват] 1. *дин.* Худога ёлвориб, унга илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун яхши, эзгу тилак тилаш [13;665].

Дуо қилмоқ инсонга хос ҳаракат бўлиб, бу сўзнинг гулларга нисбатан қўлланишида “гуллар ҳам аёлнинг яхшилигини эътироф этадилар”, “гуллар ҳам аёлнинг қалб гўзаллигига мафтун”, “садоқат фариштасидан миннатдор бўлиб, унга яхши тилаклар билдирадилар” каби экспрессив маънолар англашилади.

Синестетик метафоралар икки ёки ундан ортиқ сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, улардан бири ҳиссий идрок семантикаси мавжуд бўлади. Ноодатий (мантиқий боғланиш нуқтаи назаридан) сўзлар ёки сўз бирикмаси ўзаро бириктирилади ва шу орқали ҳосила-номинатив образли маънонинг ўзига хос тури юзага келади [3].

Маълумки, метафора нафақат қисқартирилган қиёслаш ва балки қисқартирилган қарама-қаршиликдир. Тилшуносларнинг таъкидлашича, қарама-қарши белгилар бир-биридан қанчалик узоқроқ бўлса, уларнинг

боғланиши натижасидаги "метафорик ажабланиш" шунчалик ёркинроқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Галеев Б.М. Синестезия в мире метафор // http://synesthesia.prometheus
2. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 180 б.
3. Кривенкова И.А. Синестезия в языке художественной прозы М.А.Шолохова: автореф.дисс...канд.филол.наук. – Москва: МосГУ, 2006. – 24 с.
4. Лихтенберг Г. К. Афоризмы. – Москва: Наука, 1964. – 210 с.
5. Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект): филол.фан.д-ри (DSc) дисс... автореф. Самарқанд: СамДУ, 2020. – 70 б.
6. Миртаджиев М.Переносные значения и их манифестация в узбекском языке : автореф. дисс... д-ра филол.наук. – Тошкент, 1989. – 35 с.
7. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан,1975. – 230 б.
8. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. – Тошкент: Фан, 1990. – 164 б.
9. Харченко В.К. Функции метафоры. – Москва: Книжный дом ЛИБРОКОМ, 2016. – 80 с.
10. Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 260 б.
11. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий-лингвистик талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 26 б.
12. Қуронов Д., Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати /ф.ф.д. Д.Куроновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 340 б.
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-ж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 680 б.

14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдлик. 4 жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 608 б.